

САНОАТ, ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАБИАТ, ЖАМИЯТ ВА ИНСОНИЯТ ҲАЁТИ БИЛАН ДИАЛЕКТИК АЛОҚАДОРЛИГИ

Бахриддин Лутфуллаевич Салимов
Тошкент давлат транспорт университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада саноатнинг инсон ва жамият ҳаётида ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари мавжудлиги, саноат инсониятга бир вақтнинг ўзида ҳам дўст, ҳам душман эканлиги, фалсафий қонунларга асосланган ҳолда давом эттирадиган бўлсак, инсоният ва саноат – қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни асосида бир-бирига диалектик боғлиқликда ривожланиши ҳамда бу диалектик боғлиқлик бир томондан инсониятга фойдали бўлса, бошқа томондан эса зарарли бўлиши мумкинлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жамият, инсон, саноат, техника, алоқадорлик, қарама-қаршилик.

КИРИШ

Яхшилик ва ёмонлик инсоннинг табиатида бор. Бироқ, биз бу фикримиз билан, чақалоқлар оламга келган захоти, унинг қўлидан ёмонли қилиш ҳам ва яхшилик қилиш ҳам келади деган хулосани чиқармоқчи эмасмиз. Биз фақат айтмоқчи бўлаяпмизки, дунёга келган ҳар бир бола, инсон сифатида вояга етар экан, унда, ҳам яхшилик қилишга, ҳам ёмонлик қилишга мойилликлар вужудга келади. Вақт ўтиши билан, ўзи яшаётган жамиятдаги муҳит, инсонда ана шу мойилликларнинг шаклланишига у ёки бу томондан ўз таъсирини кўрсатади. Инсоният ақл идрокнинг маҳсули бўлган саноат, фан-техника тараққиёти ҳам ҳам ана шундай таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Мутафаккирлар ижодларига назар соладиган бўлсак, бу хулосага мос келадиган фикрларга ҳам, шунингдек, қисман мос келиб, ўзига хос услубда билдирилган мулоҳазаларни ҳам кўришимиз мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Масалан, 1811 – 1848 йилларда яшаб ўтган россиялик машҳур адабиётшунос ва таниқли жамиятшунос олим Виссарион Григорьевич Белинскийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтсак: “Одам ёмон бўлиб туғилмайди. Аксинча, инсон яхшиликлар бағрида эс-хушли, оқилу-доно бўлиб дунёга келади ва у турмушнинг

бахт саодатидан қонуний роҳатланиш учун яратилган. Айниқса, унинг адолатга бўлган интилиши ва бошқа ҳис туйғулари ҳам олийжанобдир. Ёмонлик инсонда яширинилган бўлмайди, балки у жамиятда мавжуддир”. Кўриниб турганидек, Белинский назарида инсон бамисоли фаришта каби тоза, пок бўлиб дунёга келган. У фақат яхшиликка, эзгуликка интилиб яшашга мослашган. Адолатлилик ва бошқа олийжаноб ҳис туйғуларга эга. Ёмонлик унинг табиатида ҳам йўқ, рухиятида ҳам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ёмонлик жамиятда бор. Демак, ёмонлик жамият орқали инсонга таъсир кўрсатади. Содда қилиб тушунтирганда жамият сабабли баъзи одамлар ёмонликни ўрганишади, шу тариқа ўзларига ва бошқаларга ёмонликлар қила бошлайдилар. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўп, одамда ёмонлик йўқ экан, у ёмонликдан йироқ экан, унда одамлар яшайдиган жамиятда ёмонликлар қаердан келиб қолган? Ушбу саволга жавоб излаш асносида, шундай хулосага келамизки, Белинскийнинг юқоридаги мулоҳазасининг баъзи жиҳатларига қўшилишимиз ва баъзи томонларига эътироз билдиришимиз мумкин бўлади. Қўшиладиган томонимиз шундаки, ҳақиқатдан ҳам дунёга энди келган ёш чақалоқлар беғуноҳ бўлади. Уларнинг қўлидан ёмонлик қилиш келмайди, шу билан бирга улар яхшилик ҳам қила олмайдилар. Белинскийнинг хулосасига эътирозимиз шундаки, инсон фақат эзгулик билан суғорилган, олийжаноб ҳисларга мойил бўлса, жамиятдаги ёмонликлар унга таъсир эта олмайди. У ёмонликлар таъсирига тушдими, демак унинг табиатида ёмонликка мойилликлар бор. Кейин жамият, одамлардан ташкил топган. Жамиятдаги яхшиликлар ҳам, ёмонликлар ҳам, одамлар фаолиятининг натижаси ўлароқ вужудга келган. Чунки, ёмонлик бирон ўсимликнинг уруғидек хусусиятга эга эмаски, шамол қаерлардандир учириб олиб келган бўлса. Кейин жамият шудгор қилинган ер эмаски, бу ёмонлик уруғи бир пасда палак ёзиб, ўниб-ўсиб, тарқалиб кетган бўлса. Хулоса шуки, ёмонлик жамиятнинг ичида, ўз-ўзидан жамиятни ташкил этувчи инсонларнинг табиатида, рухиятида мавжуддир.

Рус мутафаккирининг жамият ва ундаги жараёнлар ҳақида бошқа бир фикри борки, уни юз фоиз маъқулламасдан иложимиз йўқ. Белинский шундай ёзади: “Мен биламанки, саноат – жуда катта кулфатларнинг сабабчисидир. Яна шуни ҳам биламанки, саноат – жамият равнақи учун беҳисоб неъматлар манбаи ҳамдир”. Тан бериш керакки, ушбу мулоҳаза, ўз давридаги ижтимоий муносабатларга нисбатан радикал дунёқараш бўлиб, ўзига хос илмий башорат мақомига ҳам эгадир. Бунинг сабаби, Белинский яшаган даврда саноат унчалик ривожланмаган, ўзининг салбий ва ижобий томонларини ҳали тўлиқ намоён этиб улгурмаган

эди. Айниқса, Россиядагидек, феодал-крепостнойлик тизими, Императорлик-Самодержавие монархия тузуми ҳукмрон бўлган мамлакатда қолоқлик ҳукм суради. Илм-фан ва техника тараққиёти европа давлатларидан анча орқада қолган эди. Шунга мос равишда саноатнинг ривожини, ҳам юқори даражада бўлмаган. Саноатнинг барча турлари, яъни ишлаб чиқариш саноати, транспорт саноати, оғир саноат, енгил саноат, тоғ-кон саноати, металлургия саноати ва бошқалар энди бўй кўрсатаётган бир пайт эди. Ана шундай шароитда юқоридагидек, илмий башорат характеридаги мулоҳазани билдириш ҳар кимни кўлидан келавермасди. Мана орадан салкам 200 йиллар ўтиб, Белинский илгари сурган мулоҳаза юз фоиз ўз исботини топди десак, адашмаган бўламиз. Саноатнинг бугунги кундаги гуркираган ривожини, ўз ортидан қандай офатларни эргаштириб юрганини кўриб, билиб турибмиз. Энг аввало олаётган ҳавомиз ўз мусоффолигини йўқотиб улгурган. Ичаётган сувларимизни аввалгидек, зилол, тоза дея олмаймиз. Истеъмол қилаётган ноз-неъматларнинг таркиби ҳам соғлиғимиз учун зарарли бўлган моддаларга тўлиб-тошмоқда. Негаки, саноат ўзидан чиқараётган захарли газлар, тириклик учун хавфли бўлган суюқлик ва қаттиқлик шаклларига эга турли чиқиндилар ҳеч қаерга йўқ бўлиб кетмаяпти. Улар нафас олаётган ҳавомизни бир қисмига айланаётир, булут бўлиб, ёмғир ва қор кўринишларида устимизга ёғмоқда. Чиқиндилар тўпроққа араллашиб, ичаётган сувимиз таркибига сингиб кетмоқда. Улардан озуқа олиб етиштирилган турли хил деҳқончилик маҳсулотлари эса бизнинг дастурхонимиз кўрки бўлиб турибди. Натижада янги-янги касалликлар пайдо бўлиб, кўплаб одамларнинг ёстиғини қуритмоқда. Шунингдек, катта-катта саноат иншоатларидаги, хусусан, атом электр станцияларида рўй берган авариялар қандай оқибатларга олиб борганини жуда яхши биламиз. Дунё бўйлаб рўй бераётган нохуш, йўл – транспорт ҳодисалари ва улар оқибатида жабрланганларнинг сонини эса санаб адоғига етиш қийин. Ёки бўлмаса саноат маҳсулотларидан бири бўлган қурол-яроғлар масаласини олайлик. Ана шу қурол-яроғларлардан фойланилиши оқибатида сўнги юз йилликда миллионлаб одамлар ҳалок бўлиб кетди. Ҳозир ҳам жаҳоннинг турли нуқталарида содир бўлаётган можароларда ва ҳаттоки, тинч деб эътироф этилган мамлакатларда ҳам кўплаб одамлар қурбон бўлмоқда. Минг афсуски, бу қурол-яроғлар келгусида, яна қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётдан олиб кетиш эҳтимоли ҳам катта. Энг ачинарлиси, инсониятнинг кўлида ер юзини бир неча маротаба қайта-қайта вайрон этишга қодир бўлган даҳшатли қурол-яроғларга эга. Бу ҳам камлик қилгандай, уни янада такомиллаштириш устида бош қотиришмоқда. “Шундай

бўлсада, тараққиётнинг бундай кўринишини тўхтатиш зарурлиги ҳақида ўйлаш, бемаъни, қуруқ сафсата эмас. Чунки, у ўзининг сўнги даражасига етиб келди, бундан буёғига юриш мумкин эмас. Гарчанд бундай тараққиётнинг чек-чегараси бўлмасада, инсоният буни англамайди ва ўзига-ўзи: Тўхта, бас қил! Бундан буёғига йўл йўқ, деб айтмайди”. Бироқ, инсоният ўз эс-ҳушини йиғиб олиш ўрнига, ўз хатти-ҳаракатларини турли хил баҳоналар билан хаспўшлашга уринмоқда. Гўёки улар ўта замонавий қурол-аслаҳаларни ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида яратишга мажбур бўлганлар. Кимдан деган саволга ўзларига рақобат қилаётган давлатлар номини айтишади. Масалан, АҚШ қуролланишига сабаб қилиб, Собиқ СССР давлатининг тажовузидан ҳимояланишни кўрсатарди. Эндиликда эса, АҚШ учун Россия билан Хитой хавф туғдирмоқда. Ҳиндистон хавф-хатар манбаии сифатида Покистонни кўрсатса, Покистон эса Ҳиндистонни кўрсатади ва бу рўйхатни шу тариқа яна давом эттириш мумкин. Лекин, бу ҳолатнинг охири яхшиликка олиб бормайди. Маъжозий маънода ўхшатиб, таъриф берадиган бўлсак, инсониятнинг бундай йўл тутишини, бамисоли одамнинг ўзи ўтирган дарахт шохини арралаётганига қиёслаш мумкин. Зотан айти дунёнинг қудратли давлатлари қўлидаги ўта замонавий ядровий, кимёвий, бактериологик ва бошқа турдаги қурол-яроғлар ҳаракатга келтириладиган бўлса, унинг нақадар даҳшатли оқибатларга олиб бориши ҳақида одам ўйлашга ҳам қўрқади. Бир нарса аниқки, бу каби қурол-яроғлар ишлатилган урушда ғолиб томон бўлмайди. Балки, урушда иштирок этган ҳам, этмаган ҳам бирдек, ҳамма мағлуб бўлади. Ер юзи култепага айлантирилиб, ижтимоий муносабатлар барбод бўлиб, тараққиёт бир неча ўн минг йил орқага суриб ташланади ва одамзот ўз ҳаётини қайта ибтидоий жамоа тузумидан бошлашга маҳкум этилади. Агарда, инсоният бу урушдан эсон-омон чиқа олса.

Бундай хотимадан Аллоҳни ўзи асрасин. Асрангани Аллоҳни ўзи асрайди деганларидек, инсоният ҳам саноат тараққиёти йўлини мақбул томонга қараб ўзгартириш ҳақида бош қотириши керак. Чунки саноат тараққиётининг салбий томонлари билан бирга ижобий томонлари ҳам бор. Саноат ҳаётимизга кириб бўлган, биз ҳам унга ўрганиб бўлганмиз. Хоҳлайсизми йўқми, саноат инсоният ҳаётининг ажралмас бўлагига айланиб бўлган. Чунки, эндиликда “Темир йўллар туннеллар ва кўприклардангина эмас, деворларнинг тагидан ҳам, устидан ҳам ўтиб кетаверади. Саноат ва савдонинг кучайиши, барча табақа ва синфларни ўз ичига олган одамларни ўзига жалб этади, талабларини қондиради ва уларни ўзаро манфаатли ва яқин муносабатларга киришишга мажбур этади. Шу билан, ғайриихтиёрий тарзда, одамлар ўртасидаги кескинликларни

юмшатиб, кераксиз тафовутларни бартараф этади”. Шу дамларда биз билан бирга умргузаронлик қилаётган замондошларимиз орасидан саноат маҳсулотларидан, сиз билан биз тушунадиган тилда айтадиган бўлсак, техника ютуқларидан фойдаланмайдиганлар бўлмаса керак. Масалан, ҳаммани хонадони электр энергеяси билан таъминланган, ҳаммамиз ўз шахсий транспорт воситаларимиздан ёки жамоат транспоридан фойдаланамиз, ҳар бир хонадонда телевизор бор, симли ёки симсиз телефон бор, аксарият кишилар компьютерга эга, кўпчилик одамлар холодильник, кир ювиш машиналари ҳамда кондиционерлардан фойдаланишади ва бу рўйхатни янада узоқ давом эттириш мумкин. Бу рўйхат шу нарсани исбот этадики, саноат маҳсулотлари, техника намуналари кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас бир қисми сифатида аллақачон инсониятнинг ҳаёт мазмунига айланиб бўлган. Тўғриси айтадиган бўлсак, инсоният уларсиз яшай олмайди ва энди бунга кўнмайди ҳам. Юқорида таъкидланганидек, қайси табақа ёки синфларга мансублигидан қаътий назар ҳамма одамларга саноат керак. Ва ана шу саноат ёки техника, турли тоифадаги одамларни ўзаро манфаатли ва ишончли тарздаги муносабатини шакллантиришга хизмат қилади. Энг муҳими саноат – одамлар ҳаётини йилдан-йилга қулайлаштириб, уларни моддий неъматлар билан таъминланишини яхшилаб, фаровон турмуш тарзини яратиб беришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Саноат, техниканинг инсоният ҳаётида тутган ижобий ўрни ва унинг кишилик жамияти тараққиётидаги беқиёс аҳамияти ҳақида яна кўплаб ишонарли далилларни келтириш ва мантиқий исботланган фикрларни билдириш мумкин. Лекин, шу ўринда хурматли ўқувчида ҳақли бир савол туғилади. Сал аввалроқ, саноатни инсоният бошига келтирган кулфатлар ҳақида жуда даҳшатли хулосалар чиқарилганди, энди эса саноат кўкларга кўтарилмоқда. Қай бир мулоҳаза тўғри, саноат зарарлими ёки фойдали?

Мазкур саволга биз Белинскийнинг юқорида баён этилган “саноат – жуда катта кулфатларнинг сабабчисидир ва саноат – жамият равнақи учун беҳисоб неъматлар манбаи ҳамдир” деган хулосаси асосида жавоб беришга уриниб кўрамиз. Ўша ўринда биз рус мутафаккирининг бу фикрига тўлиқ қўшилишимизни таъкидлаган эдик. Бизнинг хулосамизга кўра ҳам, саноатнинг инсон ва жамият ҳаётида ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари мавжуд. Таъбир жоиз бўлса айтишимиз мумкинки, саноат инсониятга бир вақтнинг ўзида ҳам дўст, ҳам душмандир. Фикримизни фалсафий қонунларга асосланган ҳолда давом эттирадиган бўлсак, инсоният ва саноат – қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни асосида бир-бирига диалектик боғлиқликда ривожланади. Бу диалектик

боғлиқлик бир томондан инсониятга фойдали бўлса, бошқа томондан эса зарарлидир. Инсоният эндиликда саноатсиз яшай олмайди, лекин шу билан бирга, саноат ривожининг баъзи жиҳатларини қабул қила олмайди. Қабул қила олмаслигининг сабаби, саноат ривожининг баъзи жиҳатлари инсониятга ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, инсониятни фалокат сари етакламоқда. Бу ҳалокатли таъсирлар ҳақида эса биз юқорида батафсил тўхталиб ўтдик. Соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, саноат ва фан-техника – табиатга, тирикликка қарама-қарши равишда тараққий этмоқда. Саноат, фан-техника тараққиётининг қонуниятлари табиат, биосферанинг мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларига зид келмоқда. Минг афсуслар бўлсинки, бу зиддият бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолган эмас. Бу зиддиятнинг илдизи, саноат энди вужудга келган даврлардаёқ пайдо бўлган эди. Аммо, у замонларда ушбу тафовут унчалик сезилмаган. Орадан йиллар, асрлар ўтган сари бу зиддият кучайгандан-кучайиб, ҳозирги таҳликали вазиятга келиб қолди. Айни кундаги мураккаб вазиятдан бутун инсониятнинг, уни бир қисми сифатида бизни ҳам бошимиз қотган. Нима қилиш керак? Савол оғир. Жавоб бериш қийин. Бир тарафда тараққиёт, юксалиш турган бўлса, иккинчи тарафда табиат, тириклик тақдири турибди. Табиатга, тирикликка зиёни етмасин деб саноат, фан-техника тараққиётини тўхтатиб бўлмайди. Чунки инсоният саноат, фан-техника ютуқлари асосида яшашга ўрганди. Улар инсоният турмуш тарзини анча қулайлаштирди, осонлаштирди, замонавийлаштирди ва ҳоказо. Энди, инсоният ўзига яратилган ана шу шарт-шароитлардан воз кеча олмайди. Воз кечаман деса ҳам буни имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Негаки, ҳозирги давлатларнинг мавжуд бўлиш шартлари буткул саноат ва фан-техника тараққиётига боғлиқдир. Мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари, ижтимоий-сиёсий аҳволи, ҳарбий-мудофа салоҳияти, аҳолининг маиший турмуш тарзи, маданий-маърифий ҳаёт даражаси ва бошқа соҳалардаги жараёнлар бевосита саноат ва фан-техника тараққиёти билан белгиланади. Саноат ва фан-техникадан воз кечиш – ҳозирги цивилизациядан воз кечишдир. Ҳозирда яшаб турган ҳаёт тарзимизни, барча қулайликлар ва имкониятларни – ўрта асрлардаги қолоқ турмушга алмаштириш демакдир.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турганидек, саноат ва фан-техника тараққиётини тўхтатиб бўлмайди, у ривожланишда давом этишга мажбур. Бу йўл ҳам инсониятни қониқтирмайди. Чунки, унда табиат, биосфера зарарланиши ҳам давом этаверади. Саноат ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги кўриниши тириклик маскани бўлган ер сайёрасини яшаш учун нобоп, яроқсиз қилиб бормоқда.

Ёки бўлмаса инсоният ихтиёридаги ядро, термаядро воситалари устидан назоратни йўқотилиши ер юзида мисли кўрилмаган экологик фалокатларни келиб чиқишини янада тезлаштириб юбориши эҳтимоли ҳам катта. Кўриб турганингиздек, Саноат ва фан-техника тараққиёти тўхтатилиб қўйилиши ёки шу алфозда давом этиши ҳам мумкин эмас. Инсоният ҳозир шундай бир аҳволга тушиб қолганки, халқ мақолида айтилганидек, кўрпа билан оёғингни ёпай десанг бошинг ёпилмай қолади, кўрпани бошингга тортсанг, оёғинг очик очилиб қолади. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш аҳвол. Хўш бу ҳолатдан чиқиб кетиш мумкинми? Бизнинг фикримизча мумкин. Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, саноат ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги кўринишдаги тараққиёти номақбул. Ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак. Саноат ва фан-техника тараққиёти қонунларини табиат ва биосферанинг мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларига зид келадиган жиҳатларини қайта кўриб чиқиш лозим. Негаки, табиатни биз яратмаганмиз, у ва унинг мавжудлик ва ривожланиш қонуниятлари биздан олдин, бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган. Демак, табиатнинг мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларига ўзгартира олмаймиз. Аммо, саноат ва фан-техника – инсоният ақл-тафаккурининг, унинг ақлий ва жисмоний фаолиятининг маҳсулидир. Шундай экан, саноат ва фан-техника тараққиёти қонуниятларини ўзгартириш, уни инсониятга мақбул томонга йўналтириш мумкин. Хусусан, саноат ва фан-техника тараққиётини табиат ва биосферанинг мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларига мослаштириш имкониятлари бор. Айтиш мумкинки, инсоният бу йўлда аллақачон изланишларни бошлаб юборган ва маълум бир натижаларни қўлга киритиб бормоқда. Масалан, поезд локомотивларини дизел ёқилғисидан электр энергияси асосида ҳаракатланишга ўтиши ва бензин, дизель ва пропан, метан каби газ ёқилғиларида ҳаракатланадиган ички ёнув двигателларга эга автомобиллар ўрнини электромобиллар эгаллаётганлиги. Биз биламизки, электромобиллар электр энергияси, ҳаттоки қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатга келади ва атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар келтирмайди. Эндиги вазифа, атроф-муҳитни ўта даражада ифлослантираётган турли саноат корхоналари, завод, фабрикалар муаммоси. Агарда олимларимиз, бу борада бош қотиришиб, тепловозлар ўрнига электрчиқалар, автомобиллар ўрнига электромобиллар яратишгандек, кашфиётлар қилишса бу муаммо ҳам ўз ечимини топарди. Келажакда эса, саноатнинг бошқа, ҳамма соҳалари ана шу йўсинда, муқобил, атроф-муҳит учун зарарсиз энергия манбааларига ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ёки бўлмаса саноатнинг барча соҳаларида ишлаш принципини

тубдан ўзгартириб, шундай юксак технологиялар яратиш лозимки, уларнинг атроф-муҳитга ҳалокатли таъсири бўлмасин. Албатта, янгича иш услубини яратиш, экологик хавфсиз технологияларни кашф этиш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун, раҳбарлар, олимлар, конструкторлар, илмий тадқиқотчилар ва ўша соҳага мутахассислардан ўзларининг изланувчанлик, яратувчанлик, ижодкорлик, новаторлик, ташаббускорлик каби ҳислатларини намоён этишлари талаб этилади. Умуман олганда бу масала, фақат биз юқорида санаб ўтган ижтимоий қатламларгагина эмас, балки жамиятда яшовчи барча тоифа ва табақага мансуб кишиларга дахлдордир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, саноат, фан-техниканинг ҳозирги кўринишдаги тараққиётининг баъзи бир жиҳатлари табиат, биосфера ва инсоният келажаги учун номақбулдир. Инсониятнинг олдида қисқа фурсатларда ҳал этилиши шарт бўлган вазифа – саноат ва техника тараққиёти қонуниятларини табиат ва биосфера қонуниятларига мослаштириш ва уйғунлаштиришдан иборатдир. Инсоният саноат ва техника тараққиётини шундай йўлларини кашф этиши керакки, бу йўллар инсониятни заволи учун эмас, аксинча истиқболи учун хизмат қилиши зарур.

REFERENCES

1. М.Иовчук. Белинский. Его философские и социально – политические взгляды. Государственное социально – экономическое издательство. 1939. Ст. 117.
2. Салимов Б.Л. Случайность связана с существующими условиями или является результатом их взаимоотношений // International Conference on Social and Humanitarian Research. – Poland. 2021. – P.175-177.
3. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.
4. Salimov B.L. Expression of Dialectic Categories in the Individual's Social Life // openaccessjournals. eu. International Journal of InnovativeAnalyses and Emerging Technology. Volume: 1, Issue 4, 2021. -P.16-18.
5. Бахриддин Лутфуллаевич Салимов (2022) ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА КОММУНИКАЦИЯ ВА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 403-407.

